



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Худоёров Ойбек Одилович
Эргасев Абдумутал Жамол ўғли

Аннотация: Ушбу мақола тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожланган мамлакатлар банкларининг балансдан ташқари операцияларини ҳуқуқий асослари, амалий ҳолати таҳлили ва ютуқлари ўрганилаган ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари қўллаш имкониятлари таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Деривативлар, аккредитивлар, фьючерс, валюта, опцион, форворт, своп, кафолат

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари юқори даражада ривожланган бўлиб, бу биринчи навбатда, молия бозорларининг ривожланганлиги ва тижорат банклари балансдан ташқари операцияларини яхши йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун, тараққий этган мамлакатлар банкларининг балансдан ташқари операцияларини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари қўллаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Биз қуйида дунёнинг энг йирик трансмиллий банкларидан бири бўлган “Barclays Bank” банкнинг (Буюк Британия) балансдан ташқари операцияларини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

“Barclays Bank” банкнинг (Буюк Британия) деривативли активлари ва мажбуриятларининг таркиби ва динамикаси²¹, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши , ф.п.
	2017	2018	2019	2020	2021	
Савдо мақсадидаги деривативли активларни жами деривативли активлардаги салмоғи	99,6	99,7	99,7	99,9	99,9	0,3
Риск-менежмент мақсадидаги деривативли активларни жами деривативли активлардаги салмоғи	0,4	0,3	0,3	0,1	0,1	- 0,3
Деривативли активлар –жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
Савдо мақсадидаги деривативли	99,8	99,8	99,7	98,3	99,9	0,1

²¹ Жадвал муаллиф томонидан www.barclays.com (Annual Reports) сайти маълумотлари асосида тузилган.



мажбуриятларни жами деривативли мажбуриятлардаги салмоғи						
Риск-менежмент мақсадидаги деривативли мажбуриятларни жами деривативли мажбуриятлардаги салмоғи	0,2	0,2	0,3	1,7	0,1	- 0,1
Деривативли мажбуриятлар жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	x

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Barclays Bank” банк деривативли активлари ва мажбуриятларининг мутлақ асосий қисмини (99,9%) савдо мақсадидаги деривативли активлар ва мажбуриятлар ташкил этади. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- тижорат банклари мижозларини деривативлар орқали валюта rischi ва фоиз riskидан ҳимояланиши;
- банклар ва мижозлари томонидан деривативлардан спекулятив даромад олиш мақсадида фойдаланиши;
- тижорат банклари деривативлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг риск даражасини олдини олиш мақсадида, деривативларнинг ҳар бир валюта тури ва суммаси бўйича очиқ позицияларни мувофиқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал

“Barclays Bank” банкнинг хорижий валюталардаги балансдан ташқари операцияларининг таркиби²², млн. фунт стерлинг (фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Форвард операциялари	44,8	39,4	54,6	64,9	65,4
Валютавий своплар	29,5	31,2	25,7	22,8	22,3
Валюта опционлари	23,8	28,7	18,3	10,5	10,4
Валюта фьючерслари	1,5	0,2	0,4	0,5	0,4
Бошқа операциялар	0,4	0,5	1,0	1,3	1,5
Хорижий валютадаги балансдан ташқари операциялар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Barclays Bank” банкнинг хорижий валюталардаги балансдан ташқари операцияларини умумий ҳажмида энг юқори салмоқни форвард операциялари эгаллайди. Бу эса, биринчидан, етакчи валюталарни номинал алмашув курсларининг волатиллик даражаси юқори бўлганлиги сабабали экспортёрларнинг форвард шартномалари ҳажмини оширишга мажбур бўлаётганлиги билан, иккинчидан, форвард операцияларини тижорат банклари учун муҳим даромад манбаи эканлиги билан

²² Жадвал муаллиф томонидан www.barclays.com (Annual Reports) сайти маълумотлари асосида тузилган.



изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Barclays Bank” банкнинг хорижий валюталардаги балансдан ташқари операцияларининг умумий ҳажмида валютавий своп операциялари ва валюта опционлари билан амалга оширган операциялари ҳам нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- валютавий своп операциялари валюта захираларини валюта рискдан ишончли ҳимоя қилади;
- валютавий своп операциялари тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларини яхшилаш имконини беради;
- валютавий своп операциялари банкнинг хорижий валютадаги баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради;
- валюта опционлари валюта захираларини валюта рискдан тўлиқ (100%) ҳимоя қилиш имконини беради;
- валюта опционлари тижорат банклари учун юқори даромад олиш манбаи ҳисобланади. Тижорат банкларининг валюта опционлари учун оладиган премияси ставкаси опцион суммасининг 15 фоизгача боради.

3-жадвал

“Barclays Bank” банкда (Буюк Британия) деривативларининг таркиби²³, (фоизда)

Деривативлар таркиби	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Фоизли деривативлар	81,4	83,2	82,9	81,8	84,0
Хорижий валюталардаги деривативлар	11,5	10,9	11,7	13,5	11,9
Кредитли деривативлар	3,6	3,2	2,6	2,0	1,7
Бошқа деривативлар	3,5	2,7	2,8	2,7	2,4
Деривативлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Barclays Bank” банк деривативларининг таркибида салмоғига кўра энг юқори ўринни фоизли деривативлар эгаллайди. Бу эса, қуйидаги икки муҳим сабаб билан изоҳланади:

1. “Barclays Bank” банк томонидан 2017-2021 йилларда берилган кредитларнинг асосий қисминини сузувчи ставкада берилган кредитлар ташкил этди.

Тижорат банклари ҳар доим сузувчи ставкада кредитлар беришдан манфаатдор бўлади. Чунки, кредит сузувчи ставкада берилганда, кредитнинг бозор ставкаси қандай тебранишидан қатъий назар тижорат банкининг спрэд шаклида оладиган даромади миқдори ўзгармайди.

2. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатларининг кўзга

²³ Жадвал муаллиф томонидан www.barclays.com (Annual Reports) сайти маълумотлари асосида тузилган.



ташланаётганлиги тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини тебраниш диапазонларини кенгайтишига олиб келмоқда.

Шунингдек, Марказий банкларнинг дисконт ставкаларини ҳам тез-тез ўзгартирилаётганлиги ҳам тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, "Barclays Bank" банк деривативларининг таркибида салмоғига кўра нисбатан юқори ўринни фоизли деривативлар эгаллайди. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- етакчи валюталарнинг, хусусан, АҚШ доллари ва евронинг номинал алмашув курсларини волатиллик даражасини нисбатан юқори эканлиги хорижий валютадаги деривативлардан валюта рискин бошқаришда фойдаланишни кучайтириш заруриятини юзага келтирмоқда;

- хорижий валютадаги деривативлар тижорат банклари учун муҳим даромад манбаига айланган;

- хорижий валютадаги деривативлар тижорат банкларига очиқ валюта позицияларини яхшилаш, хорижий валюталар бўйича қисқа муддатли баланслашмаган ликвидлик муаммосини яхшилаш имконини беради.

3-жадвал маълумотларидан кўринадик, "Barclays Bank" банк деривативларининг умумий ҳажмида кредитли деривативлар нисбатан кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, биринчи навбатда, "Barclays Bank" банкда кредит рискин бошқариш тизимини ривожланганлиги билан изоҳланади.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банкларининг баланسدан ташқари операцияларининг асосий турлари бўлиб, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар очиш ва банк кафолатлари бериш ҳисобланади.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисми тижорат банки мижозларининг тўлов мажбуриятлари бўйича очилади. Банк кафолатлари эса, мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан ҳам етказиб бериладиган товарларининг сифати юзасидан ҳам очилади.

"Barclays Bank" банк томонидан мижозларнинг тўлов мажбуриятлари бўйича ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмида Stand-by аккредитивлари юқори салмоқни эгаллайди.

Stand-by аккредитивлари мижознинг тўлов мажбурияти ижросини тўлиқ таъминлаган ҳолда, банк кафолат вазифасини ҳам ўтайди. Чунки, ушбу аккредитивларда тижорат банки мижоз тўловга ноқобил бўлиб қолгандагина тўлов юзасидан кафил ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Stand-by аккредитиви банк кафолати вазифасини ҳам бажара олади.

Шунингдек, "Barclays Bank" банк револьверли ва трансферабелли аккредитивлардан ҳам кенг фойдаланади.

Револьверли аккредитивларда аккредитив суммаси қайта тикланади. Ушбу аккредитив тўлов суммасига нисбатан ҳам тўлов муддатига нисбатан ҳам қайта тикланиши мумкин.



Трансферабелли аккредитив савдо воситачисига ўзининг аккредитив бўйича маблағларни олиш ҳуқуқини мол етказиб берувчига бериш ҳуқуқини беради.

“Barclays Bank” банк банк кафолатининг ҳар иккала турини қўллайди:

- мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан бериладиган кафолат;
- етказиб бериладиган товарларнинг сифатида юзасидан бериладиган кафолат.

Таъкидлаш жоизки, “Barclays Bank” банк инкассонинг ҳар иккала туридан, яъни соф инкассо ва хужжатли инкассодан фойдаланади.

Буюк Британияда тижорат векселлари муомаласининг ривожланганлиги тижорат банкларига соф инкассодан кенг кўламда фойдаланш имконини беради. Чунки, соф инкассода фақат оддий ва ўтказма тижорат векселлари инкассога қабул қилинади. Ўзбекистон банклари эса, соф инкассодан фойдалана олмайди. Бунинг сабаби шундаки, республикамизда тижорат векселлари муомаласи мавжуд эмас.

Шунингдек, “Barclays Bank” банк хужжатли инкассодан кенг фойдаланади. Хужжатли инкассода фақат тижорат хужжатлари ёки тижорат хужжатлари тўлов хужжатлари билан бирга инкассога қабул қилинади.

Инкассода тўловчи мижозга маълум даражада босим ўтказиш имконияти мавжуд. Чунки, мижоз етказиб берилган товарлар учун тўловни амалга оширмаса, товар хужжатлари унга берилмайди. Товар хужжатлари бўлмаса тўловчи товарларни ола олмайди. Шунинг учун тўловчи тўловни тезлаштиришга мажбур бўлади.

Шуниси аҳамиятлики, Буюк Британияда тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг такомиллашган норматив-ҳуқуқий асоси шакллантирилган.

1986 йилда Англияда “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунда деривативлар бўйича операцияларда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди²⁴.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, тижорат банкларининг валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Валюта опционлари ва фьючерслари муомаласини ривожлантириш мақсадида, биринчи навбатда инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш ҳамда миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллигини пасайтириш лозим.

Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Ривожланган мамлакатларда инфляция ва девальвация муаммоси мавжуд

²⁴ www.bankofengland.co.uk. Англия қонуни. Молиявий хизматлар тўғрисида. 1986 йил.



эмас. Яъни, ривожланган давлатларнинг ҳеч бирида 2018 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 2 фоиздан ошмади. Бунинг устига, мазкур мамлакатларда миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражаси паст.

Республикамизда инфляция даражаси юқори бўлиб (2019 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 15,2 фоизни ташкил этди), миллий валюта номинал алмашув курсининг волатилилик даражаси юқоридир.

2. Валюта опционлари ва фьючерслари муомаласининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикасида “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги қонун мавжуд эмас. Шу сабабли, тижорат банкларининг валюта опционлари ва фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялари Марказий банкнинг алоҳида йўриқномаси билан тартибга солиниши керак.

Мазкур йўриқномада валюта опционлари ва фьючерсларининг турлари, амал қилиш муддатлари, баҳоларини шакллантириш механизми, аванс тўловлари миқдорини белгилаш тартиби, улар муомаласини тартибга солиш бўйича пруденциал меъёрлар ўз аксини топиши лозим.

Фойдаланилан адабиётлар рўйхати:

1. Calderon C., Schmidt-Hebbel K. What Drives Inflation in the World//Central bank of Chile Working Papers, 2008. – № 491. – P. 1-20.

2. FIA releases annual trading statistics showing record ETD volume in 18. www.futuresindustry.org/downloads/FIA_Annual_Volume_Survey.

3. Barclays bank. Concolidated summary Balance Sheet. Annual Report 2014, 2015,2016,2017,2018. www.barclays.com.

3. Barclays bank. Concolidated summary income. statement. Annual Report 2014, 2015,2016,2017,2018. www.barclays.com.

4. <https://www.global-rates.com> (US Dollar Libor interest rates) сайти (АҚШнинг “Ascio technologies” компанияси).

5. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>

6. О.О.Худоёров, & Ш.О.Ғозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>

7. Ойбек Одилевич Худоёров. (2016)The role of internal audit and internal control in banking sector. Молодой ученый. часть №9. ст 739-742. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25964274>

8. О.О.Худоёров (2022). ҲАЛҚАРО ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ



ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ. newjournal.org часть №6 ст.51.
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/994/847>

10. Умаров З.А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи” 2021, 612 б.

11. Umarov, Z. (2018). OBJECTIVES OF THE PROVISION OF FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS. International Finance and Accounting, 2018(2), 133.

12. Umarov Zafar. A, Toshpulatova Shakhrizoda. Sh. COVID-19 AND THE BANKING INDUSTRY IN UZBEKISTAN: IMPACT AND SOLUTIONS // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. 2020. №3-4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/covid-19-and-the-banking-industry-in-uzbekistan-impact-and-solutions> (дата обращения: 23.10.2023).

13. Умаров З. А., Азимов Б. Банк кафолати ва унинг ҳисоби // Молия илмий журнали. – 2021. – С. 98-106.

14. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Г. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. – 2018.

15. Ибрагимов, А. К., Умаров, З. А., Хатамов, К., & Ризаев, Н. К. (2019). Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ташкент: Иктисодмолия.